ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЎҚУВ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ТАЛАБЛАР

Рахмонали Бозорбой ўғли Турсунов
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
raxmonali504@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада рақамлаштириш жараёни янада кенг тус олган бугунги кунда таълим жараёни субъектлари фаолиятига қуйиладиган компетенциялар назарий таҳлил қилинган. Шу билан бирга пандемия шароитида педагог ва талабалар фаолиятида мавжуд муаммо ва камчиликлар ўрганилган. Медиакомпетентликни ривожлантириш борасида амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Ўқув субъектлари, масофавий таълим, медиа, медиакомпетентлик, рақамлаштириш, инновацион бошқариш, SMART тизими.

ABSTRACT

The article provides a theoretical analysis of the competencies that are poured into the activities of the subjects of the educational process today, when the process of digitization has become more widespread. At the same time, the existing problems and shortcomings in the activities of teachers and students in the context of the pandemic were studied. Practical proposals for the development of media competence were put forward.

Keywords: Study subjects, distance learning, media, media competence, digitization, innovation management, SMART system.

КИРИШ

Жаҳонда глобал ўзгаришлар жараёни, фан-техника жадал ривожланиши ҳамда ахборот технологияларининг ривожига асосланган ахборотлашган жамият муҳити таълим тизимига кучли таъсир этмоқда. Бугунги мунтазам амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари, инновацион жараёнларнинг асосий вазифалардан бири рақамлаштириш жараёни хусусиятларига тўла мослашиш ҳисобланади. Ҳалқаро миқёсда ижтимоий институтларнинг таълим тизими бошқарувидаги ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш долзарблиги тобора аён

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини ахборотлаштиришнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш, интегратив таълим муҳитини яратишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш долзарб вазифалар қаторига киради.

Дунёнинг ҳозирги ривожланиш босқичи илмий ахборотлар ҳажмининг муттасил ўсиб бориши билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президен қарорлари, Ҳукуматнинг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш, таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва мультимедиа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.[1]

Қолаверса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастурининг бевосита 165-банди Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш масалаларига оид бўлиб, унда таълим жараёнини ахборотлаштиришга доир вазифалар ҳамда таълим субъектларида замон талабларига мос медиакомпетентликни шакллантириш масалалари белгиланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида ишга солиш талаб этилади.

Замонавий ахборот телекоммуникацион технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ахборот-телекоммуникацион технологиялар ўрганиш объекти сифатида, яъни талабалар янги ахборот технологиялар, уларнинг таркибий қисмлар ва фойдаланиш соҳалари бўйича умумий тушунча ва малакаларга эга бўладилар;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

- ахборот-телекоммуникацион технологиялар ўқитиш воситаси сифатида, яъни замоновий ахборот ва педагогик технологиялар асосида талабаларга билим берилади ҳамда маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари компьютерларнинг замонавий дастурий воситалари асосида ташкил этилади;

- таълим жараёнини бошқариш воситаси сифатида, яъни таълим муассасасининг барча иш фаолияти, шу жумладан ўқув, маънавий -маърифий ва илмий-татқиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун ахборотлаштириш, таҳлил ва башорат қилиш тизимини яратиш;

- талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик изланишларини амалга ошириш воситаси сифатида, яъни ўқув муассасасида ўқитувчи-профессор ва талабалар орасида илмий-тадқиқот ва педагогик изланишлар самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот тизимларини яратиш ва татбиқ этиш.

Ахборот технологиялари воситалари билан ишлайдиган педагог қуйидаги компетенциявий талабларга жавоб бериши керак:

- Медиакомпетентлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган бўлишлиги;

Медиакомпетентлик тушунчаси (media competence) таълим тизмимиздаги нисбатан янги атама ҳисобланиб, у медиа маълумотларни турли кўринишда ўзатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади. Медиатаълим ҳозирги даврда шахснинг оммавий ахборот воситалари орқали ривожланиш жараёнини англатади.[2] Профессор А.Б.Федоров замонавий оламдаги медиатаълимни оммавий ахборот билан мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида ижодий, коммуникатив салоҳиятлар, танқидий тафаккур, медиаматнларни тўлақонли идрок этиш, талқин қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш медиатехника ёрдамида ўз-ўзини ифодалашнинг турли шаклларига ўқитиш мақсадида оммавий коммуникация(медиа) воситалари ва материаллари ёрдамида шахсни ривожлантириш жараёни сифатида кўради.[3]

- Электрон дарсликлар ярата олиш ва улар билан эркин фаолият олиб бориш кўникмасига эга бўлиш;

- ZOOM, Google meet, Google disk, Camtasio studio каби дастурларда эркин ишлай олиш;

- Масофавий таълим платформасини янгиликлар билан бойитиб бориш ва бошқалар.

Дунё миқёсида коронавирус пандемияси барча соҳалар сингари таълим тизимига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Карантин қоидалари кўплаб анъанавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

таълим шакллари ва методларини самарасиз ҳолатга солиб қўйди. Бу вазиятда қуйидаги муаммо ва камчиликлар кўзга ташланди:

- Интернет тезлигининг барча ҳудудларда талаб даражасида эмаслиги;
- АКТ мосламаларининг барча таълим субъектларида етарли эмаслиги;
- Таълим субъектларида медиа-ахборот қурилмаларидан фойдаланиш кўникмаси(медиасаводхонлик даражаси)нинг пастлиги;
- Масофавий таълим шаклида таълим субъектлари учун жавобгарликнинг тўлиқ таъминланмаганлиги каби бар қатор камчиликлар кўзга ташланди.

МУҲОКАМА

Таълимни ахборотлаштириш бўйича кадрлар тайёрлашнинг умумпедагогик тамойилларини қуйидагича келтириш мумкин:

-касбий йўналишга нисбатан базавий тайёргарликнинг инвариантлиги, унинг ахборот, коммуникация, умуммаданий жиҳатларга йўналтирилганлиги, ахборотлашган жамият ривожланишининг ҳозирги даражасига мослиги;

- педагог кадрларни тайёрлашни ихтисослаштириш, яъни аниқ бир фан бўйича ахборот коммуникация технологиялари воситалари имкониятларини жорий этишга йўналтирилганлик;

-педагог кадрлар тайёрлашнинг дифференциаллашгани, унинг шахсий афзаллигига, касбий эҳтиёжига ва талабаларнинг хусусиятларига йўналтирилганлиги.

Педагог кадрларни касбий ва ихтисослаштирилган тайёрлаш ҳамда дифференциаллашган ёндашув тамойилларини амалиётга жорий этиш учун ўқув дастурининг тузилмасини ишлаб чиқишда қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

- ўқув дастурларида жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ҳолати;
- таълимни ахборотлаштиришнинг назарий асослари;
- ўқув дастурларида аниқ бир фан бўйича ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича педагог кадр фаолиятининг асосий ташкил этувчилари;
- мустақил таълим фаолиятининг методик таъминоти.

Ҳозирда фанларни компьютерлардан фойдаланиб ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Педагоглар компьютердан нафақат дарсга методик материалларни тайёрлашда, балки фанни ўқитишда зарур компьютер дастурларидан фойдаланади, уни талабалар билан индивидуал ишлаш воситаси сифатида қўллайди. Компьютер дастурий воситаларининг таркибига кирувчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

интерфейснинг қулайлиги, педагогларга замонавий ахборот технологияларини самарали ўзлаштиришлари учун имконият яратади. Шундай қилиб, ахборот ва коммуникация технологияларининг имкониятларидан шахсга йўналтирилган таълимни ривожлантиришда, талабаларнинг ижодий қобилиятларини шакллантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

- Компьютер технологияларини ўқув жараёнида асосли қўллашнинг яна бир муҳим жиҳати – реал жараёнлар ва экспериментларнинг компьютер моделини яратишдан иборат. Компьютер ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш, модель ва натижаларнинг намойиши, кўп ҳолда, қиммат турадиган экспериментал қурилмаларга бўлган эҳтиёжнинг ўрнини босади, айрим ҳолда (атом ва квант физика, яримўтказгичлар, кимё, биология, астрономия, тиббиёт каби фанларга тегишли жараёнларни моделлаштириш) эса, мазкур жараёнларни намойиш этишнинг ягона усули саналади.

- Замонавий ахборот технологиялари микро ва макродунёдаги, мураккаб қурилмалар, биологик тизимлардаги ҳодиса ҳамда жараёнларни компьютер графикаси ва моделлаштиришдан фойдаланиш асосида ўргатиш, жуда катта ёки кичик тезликда содир бўладиган физик, астрономик, кимёвий, биологик жараёнларни қулай вақт ўлчамида тақдим этиш каби янги дидактик масалаларни ечишга ёрдам беради.

- Шу боис, таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишларидан бири – ҳодиса ва жараёнларни компьютерда моделлаштиришдир. Компьютер моделлари анъанавий дарснинг таркибига ҳамоҳанг бўлиши ва ўқитувчи учун компьютер экранида, кўп эффектларни намойиш этишига, ўқувчиларнинг янги, ноанъанавий ўқув фаолиятини ташкил этишга катта ёрдам беради.

НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳатлари жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнида қўллаш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон манбалардан фойдаланиш шунингдек, замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш хамда олий таълим муассасалари ўқув жараёнларини ахборотлаштириш тамойиллари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, пандемия шароитида Олий таълим тизимидаги вазият ҳақида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

бевосита таълим субъектлари ўртасида сўровнома ўтказилди. Мазкур сўровнома турли ОТМ ларининг 62 нафар педагог ходимлари ва 112 нафар талабалари ўртасида ўтказилиб, унинг натижаларини таҳлил этсак.



1. Сўровномада иштирок этган педагог-ходимларнинг ОТМ даги АКТдан фойдаланиш имкониятлари даражаисига муносабатлари:

2. Иштирокчи педагогларнинг ахборот ресурс манбаалари ҳақида маълумот:




ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

3. Иштирокчиларнинг ўқув жараёнида АКТ ларидан фойдаланиш мақсалари масаласидаги фикрлари:



4. Электрон таълим тизимининг айнан қандай шаклларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади? деган саволга муносабатлари:



ХУЛОСА

Педагогик таълим жараёнларига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш назарияси таҳлили натижасида педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

ахборотлаштиришни яхлит педагогик тизимини яратиш касбий фаолиятни такомиллаштиришнинг зарурий шарти сифатида асосланади.

Олий таълим тизимида фан, техника ва технологик тараққиётнинг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини такомиллаштириш жараёни орасида номувофиқлик мавжуд бўлиб, уни бартараф этишда замонавий ахборот технологияларининг кенг миқёсда жорий этиш муаммосининг янада юқори долзарблик касб этмоқда.

Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида йўналтириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, «электрон ахборот-таълим муҳити» тушунчасини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир деб таърифлаш мумкин.

Таҳлилий тадқиқотлар натижасида электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланиши аниқланди:

1) Ҳар қандай даражадаги электрон ахборот-таълим муҳити тизимлилик хусусиятига эга мураккаб тузилмали объект бўлиб ҳисобланади.

2) Электрон ахборот-таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини англатиб, у ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим ва тарбия мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.

3) Электрон ахборот-таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиш билан бирга унинг воситаси ҳамдир.

REFERENCES

1. Фан, техника ва таълимда инфокоммуникацион ва ҳисоблаш технологиялари: монография халқаро конференция маърузалари ва тезислари. (М-во высш. и сред. спец. обр. РУз).
2. С.С.Бабаджанов. Олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси. Дисс. 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Тошкент – 2018
3. Медиаобразование сегодня: содержание и менеджмент/Под ред. А.В.Федорова. – М.: Изд-во Гос. ун-та управления, 2002. – 80 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00512

4. F.A. Ibrohimov. Ta’lim muassasalarida huquqiy ta’lim-tarbiyaning zarurati. Academic Research in Educational Sciences(https://cyberleninka.ru/article/n/ta-lim-muassasalarida-huquqiy-ta-lim-tarbiyaning-zarurati).
5. S.I. Doniyev, F.A. Ibrakhimov, I.S.Joldasov. Trends int the development of primary education (an example of the finnish system of primary education). Journal of innovatsions in pedagogy and psychology 2, 387-393.